SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 41
(6193)
2025-yil
17-oktyabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

► *Сессия*


ДЕПУТАТЛАР МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг навбатдаги VII чақириқ XIX сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

► *Маънавиятли одамлар*

АБДУВАЛИ ОТАНИНГ КУТУБХОНАСИ



“Алимбува” маҳалласи марказида мана шу қизил буткага кўзингиз тушганми? Бу шу ерда истиқомат қиладиган Абдували Холмаҳмудовнинг “кутубхоначаси”. Абдували ака бундан саккиз ой илгари шу мўъжазгина буткани қуриб, шу ерга ўрнатди. Тепасига кутубхона, илм сўзларини ёзиб, ичини бадиий адабиётлар билан тўлдириб қўйди.

(Давоми 7-саҳифада)

21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Давлат тили – миллий ифтихоримиз



СУРАТДА:
Зангиота тумани Ихтисослаштирилган мактаби ўқитувчиси Зафар Исмадиёров дарс жараёнида.

Ҳар бир миллатнинг борлиги, бирлиги ва бирдамлигининг тимсоли – шу миллатнинг тили бўлиб, унда миллат руҳи, маънавий қиёфаси, ор-номуси, орзу-умидлари ўз ифодасини топади. Тил бор экан, миллат яшайди.



Тилга эътибор – элга эътибор.

Алишер НАВОИЙ

15 ОКТЯБРДАН БУТУН РЕСПУБЛИКАДА ТОЗАЛИК ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Ойлик давомида барча маҳаллалар, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, кўчалар, аҳоли турар жойлари ҳудудларида тозалик ишлари амалга оширилади. Шунингдек, волонтёрлар, ёш эко-фаоллар иштирокида турли тозалик акциялари, плоггинглар ташкил этилади.

Барча ташкилотлар раҳбарлари, хусусан, Экология вазирлиги раҳбарияти ушбу тадбирларда шахсий намуна сифатида фаол иштирок этади.

Қолаверса, ойлик давомида экологик ҳуқуқбузарликларга қарши доимий рейд тадбирлари амалга оширилади. Вазирлик томонидан республиканинг барча ҳудудларига онлайн кузатув камералари ўрнатилган бўлиб, ушбу камералар назорати янада кучайтирилади.

“ISTIQBOL” газетасига 2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



Агар туман ижтимоий-маданий ҳаётидан хабардор бўламан;
турли касб эгалари, турли тақдирлар ҳақидаги мақолаларни ўқийман;
маънавиятимни юксалтираман, десангиз
туман ижтимоий-сиёсий газетаси –

“ИСТИҚБОЛ”га 2026 йил учун обуна бўлинг!

ISTIQBOL
2025-yil 17-oktyabr / Juma / № 41 (6193)

ДЕПУТАТЛАР МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Кун тартибидаги “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш чора-тадбирлари ҳамда туман маҳаллий бюджетининг 2025 йил II чорак даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми маблағларининг фойдаланилмаган қисми маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалалар юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Аҳадов сўзга чиқди. Туман ҳокимининг Қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Алишер Инагамовнинг туманда 2025-2026 йил кузқиш мавсумига тайёргарлик бўйича олиб борилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Шунингдек, Зангиота туманидаги аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини 2026 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш, тумандаги айрим географик объектларнинг номларини ўзгартириш ва давлат реестрига киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сонли қарорининг тумандаги ижроси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилиб, муҳокама қилинди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Д.ШАРИПОВА.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

► *“Камбағалликдан фаровонлик сари”*


Бугун юртимизда аҳоли турмуш шарт-шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг натижадорлигига эришиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, туманимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

МАҚСАДИМИЗ – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ОРҚАЛИ АҲОЛИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ











Туманда мазкур дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган бўлиб, кам таъминланган оилалар раҳбар ходимларга бириктирилган. Бириктирилган раҳбарлар томонидан эса барча оила вакиллари билан юзма-юз учрашган ҳолда уларнинг муаммолари ўрганилиб, тузилган индивидуал режалар асосида манзилли ишлар амалга оширилмоқда.

Олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун бир нечта устувор йўналишни ўз ичига олган “Камбағалликдан фаровонлик сари”дастури асосида иш олиб бораяпмиз.

Энг аввало, камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбасига эга бўлиши учун шароит яратяпмиз.

Фаол инвестиция сиёсати туфайли бу йил ҳам янги корхоналар очилиб, юқори даромадли иш ўринлари ташкил этилди.

Эътиборлиси – давлат бизнесга шароит яратиб беряпти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмакчи бўлмоқда. Мана шундай самарали ҳамкорлик туфайли шу йилнинг ўзида туманда камбағал деб топилган 3317 та оиланинг 852 таси аъзоси доимий ишли бўлди. Дастурлар доирасида 453 та оилага кредитлар, учта оилага субсидиялар ажратилди. Тадбиркорликка жалб қилиш, яъни ўзини ўзи банд қилиш орқали 927 та оила аъзолари ишли бўлди.

Биз ҳозирги технологиялар асрида IT, сунъий интеллект, финтех каби одамларга юқори даромад келтирадиган соҳаларда стартаплар экотизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Иккинчидан, одамларнинг билимини оширмасдан, уларни “камбағаллик гирдоби”дан чиқариш имконсиздир.

Шу боис сифатли таълим асосида инсон капиталини ривожлантириш, узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартиришнинг асосий “драйвери” бўлиб қолади.

Биргина мисол, болаларимизнинг боғчалардаги қамрови 65 фоиздан 76 фоизга ошгани натижасида кўплаб аёлларимиз таълим олиш, касб-ҳунар ўрганиш ва даромад топиш имконига эга бўлди. Биз бу ишларни давом эттириб, камбағал оилалар фарзандларини мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш учун барча шароитларни яратаяпмиз.

Жорий йилда 30 нафар аҳолини замонавий касбларга ўргатиб, уларни юқори даромадли ишларга жойлаштирдик. Келгусида бу амалиётни янада кенгайтирамиз.

Учинчидан, хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Шу боис хотин-қизларга олийгоҳда ўқиш учун фоизсиз кредит ажратиш, магистратурада бепул таълим олиш тизими жорий этилди. Бундан туманимиз хотин-қизлари ҳам четда қолгани йўқ.

Тўртинчидан, инсон саломатлигини муҳофаза қилмай туриб, унинг имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариб бўлмайди.

Бу борада 611 та камбағал оилаларга шифокорлар бириктириб, уларни йилига бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди. Энди кафолатланган тиббий хизматлар кўпайтирилиб, камбағал оилаларнинг бунга сарф қиладиган харажатини қисқартириш, уларга бепул дори ва кафолатланган тиббий хизматлар пакети тақдим этиш кўзда тутилган.

Бешинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан манзилли ишлаш – камбағалликка қарши курашишдаги асосий йўналишлардан биридир.

Бу тизим тубдан ислоҳ қилиниб, илгари 6 та давлат ташкилотида бўлган ваколатлар ягона – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига бирлаштирилди.

Қисқа муддатда ҳар бир туман ва шаҳарда юздан ортиқ ижтимоий хизматларни “бир дарча” тамойили асосида кўрсатадиган “Инсон” марказлари ташкил қилинди. Ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходим аҳоли билан проактив усулда ишламоқда.

Шу йилнинг ўзида 3293 нафар аҳолига 15711 та ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди. Айниқса, камбағал оилаларнинг парваришга муҳтож аъзоларига янги ижтимоий хизматлар йўлга қўйилган бўлиб, 275 нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли учун ишлаш имконини яратди.

Имконияти чекланган аҳолининг камбағалликка тушиб қолиш эҳтимоли юқори. Шу боис уларни қўллаб-қувватлаш, инклюзивлик асосида жамиятга интеграция қилиш бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқилгани, муносиб меҳнат шароити яратилгани боис бу йил ногиронлиги бор 247 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди. Уларга ҳаётий зарур тиббий жиҳозлар, коляска ва протезлар бепул етказиб берилмоқда.

Олтинчидан, ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, одамларга яшаш учун қулай шароитлар яратиш – кўп ўлчовли камбағалликни қисқартиришда муҳим қадамдир.

Шу мақсадда қарийб 2 минг 443 нафар аҳоли яшайдиган шароити оғир 4 та маҳаллада инфратузилмани яхшилаяпмиз. Натижада шу йилнинг ўзида аввал сувсизликдан қийналаётган 1 минг 75 та хонадоннинг томорқасига сув борди, 1 минг 595 та хонадонда электр энергияси таъминоти яхшиланди. Республика даражасидаги раҳбар Бош прокурор ўринбосари Жаҳонгир Ҳатамов томонидан “Алимбува” маҳалласида яшовчи 18 нафар, “Туропобод” да яшовчи 5 нафар камбағал оилаларга қуёш панеллари ўрнатиб берилди.

Туман ҳокимлиги томонидан “Асил” маҳалласидаги 15 та, “Олмазор” маҳалласидаши 2 та, “Аччисой”даги 9 та, “Маданият” маҳалласидаги 4 та, “Истиқлол” маҳалласидаги 2 та, “Қуёшли” маҳалласидаги битта, “Қаҳрамон” маҳалласидаги 4 та, “Тариқтешар” маҳалласидаги 4 та, жами 41 та хонадонга иссиқхона қуриш орқали улар камбағалик реестридан чиқарилди.

Туман ҳокимлиги томонидан “Асил”, “Гулбоғ, “Хўжамозор”, “Ўрта”, “Эски қала”, “Сортепа”, “Балиқчи”, “Алимбува” маҳаллаларида иккитадан, “Боғзор”, “Ўртаовул”, “Обод турмуш”, “Олмазор”, “Эшонгузар”, “Ўратепа ”, “Далигузар”, “Истиқлолнинг 5 йиллиги”, “Қурилиш” маҳаллаларида биттадан камбағал оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Шунингдек, маҳаллаларда сув, канализация, йўл, мактаб ва боғча қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Инсон қадрини улуғлаш орқали одамлар учун муносиб шароит яратиш, бу борада камбағалликни қисқартириш – Янги Ўзбекистондаги барча ислоҳотлар замиридаги бош мақсад бўлиб, шу эзгу мақсад йўлида хормай-толмай олға қадам ташлайверамиз.

Сирожидин АҲАДОВ,
туман ҳокими ўринбосари.

Давлат тили – миллий ифтихоримиз





Шунинг учун ҳам тил давлат тимсоли ҳисобланади, уни асраш, ривожлантириш миллатнинг юксалишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб мамлакатимизда давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзи ҳисобланиб, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро бу тилни билиши, уни ҳурмат қилиши, ривожланиши учун ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун нафақат миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, балки маънавий бойлик, буюк қадрият ҳамдир. Ҳар қандай инсон ўзбек тилининг бор латофати, жозибаси ва чексиз имкониятларини билиш учун мунис оналаримизнинг аллалари, минг йиллик тарихга эга достонларимиз, бетакрор ўлмас мақомларимизни эшитиб, бахши ва ҳофизларимизнинг қўшиқларини тинглаб қалбан ҳис қилиши мумкин. Ана шундай сеҳрга эга бўлган ўзбек тили истиқлол йилларида мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакилларини ўзаро боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланди. Бугунги кунда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳонда 50 миллиондан ошгани она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолатдир. Ўсиб келаётган болажонларни энг кичик ёшидан бошлаб ўзбек тилида теран фикрлайдиган, равон ўқийдиган, чиройли ҳуснихатда хатосиз ёзадиган бўлишлари учун нафақат устозлар, балки кенг жамоатчилик биргаликда иш олиб бориши лозим. Китоб, газета-журналлар ўқиш, ўқиганлари юзасидан ижодий ишлар, баён, иншо ёзиш каби машғулотларни амалга оширишни фақат умумтаълим мактабларида эмас, оилада, маҳаллада, иш жойларида ҳам йўлга қўйиш керак. Негаки, китоб, газета ҳар бир миллатнинг борлиги, бирлиги ва бирдамлигининг тимсоли – шу миллатнинг тили бўлиб, унда миллат руҳи, маънавий қиёфаси, ор-номуси, орзу-умидлари ўз ифодасини топади.

Шу ўринда ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига киритиш борасида 2025 йил 23 сентябрда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей анжумани – 80-сессиясида давлат тили – ўзбек тилида қилган маърузаси барча хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлганини фахрланиб айтсак тўғри бўлади. Негаки, жаҳон сиёсий минбарида дунёга юз тутган ва жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзбек тилидаги маърузаси тилимизнинг мавқеини нафақат мамлакат ичида, балки мамлакат ташқарисида – ташқи сиёсатда ҳам мустаҳкамланишига замин яратди. Миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғи ҳисобланган она тилимиз учун яратилган бу заминнинг қадрига етишимиз, унинг софлигини сақлашимиз, келгуси авлодларга она тилимиз жозибаси, латофати, сеҳрини бузмасдан тўлиқлигича етказишга ҳар биримиз астойдил ҳаракат қилмоғимиз лозим. Она тилимизга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

Н.МАВЛОНБЕКОВА,
Зангиота тумани ҳокими маслаҳатчиси.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ХОРИЖЛИК ЎҚИТУВЧИЛАР – Зангиотада



Республикамизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳридан келган педагоглар ҳамда касбга йўналтириш соҳаси вакиллари Тошкент вилоятидаги умумтаълим мактаблари, хусусан, бизнинг мактабимизда ҳам бўлдилар.

► *Ҳамкорлик*

Меҳмонларни ўқув жараёни, таълим-тарбия сифати ҳамда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништирдик.



Уларга мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, ўқувчиларнинг иқтидорини ривожлантириш ва уларни касб танлашга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган турли буюмлар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари, шунингдек, уларнинг ўз қўллари билан пиширган ширинлик ва таомлари хорижлик педагогларга манзур бўлди.

Наргиза ҲАСАНОВА,
14-мактаб директори.

► *Open byudjet*



YO‘LLAR RAVON BO‘LMOQDA

“Bog‘zor” mahalla fuqarolar yig‘ini hududidagi “Yangi Bog‘zor” ko‘chasida aholi uchun qulay sharoit yaratish maqsadida 2,5 kilometr uzunlikdagi yo‘lni asfaltlashtirish ishlari boshlandi. Ushbu loyiha “Tashabbusli byudjet” dasturining 2025-yil I-mavsumi g‘olibi sifatida amalga oshirilmoqda.

Mazkur tashabbus mahalla aholisi tomonidan ilgari surilib, ovoz berish jarayonida eng ko‘p e’tirofga sazovor bo‘lgan. Natijada, bugun mahalla aholisi uzoq yillar kutgan orzusi – xavfsiz va zamonaviy yo‘ldan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘lmoqda.

“Tashabbusli byudjet” dasturi orqali amalga oshirilayotgan bunday ishlar fuqarolarning o‘z hududi ravnaqiga bevosita ta’sir ko‘rsatayotganini, hamjihatlik va faollikning amaliy natijasini yaqqol namoyon etmoqda.

Tuman hokimligi
Axborot xizmati.

ISTIQBOL

2025-yil 17-oktyabr / Juma / № 41 (6193)

ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИ







► *Куз-қиш мавсумига тайёргарлик*

Туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, айниқса, ижтимоий объектлардаги аҳволни ўрганиш мақсадида туман Кенгаши депутатлари Зафар Назаров ва Асия Кудайберганова-лар "Назарбек" ҳудудларида жойлашган 2- ва 5-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотлари, 8-24-мактаблар ҳамда 18-оилавий поликлиникасида, туман Кенгаши депутатлари Феруза Раджапова ва Камола Мамуровалар "Далагузар" ҳудудидаги 15-39-мактабларда бўлдилар.

Депутатлар бинолар-нинг куз-қишга тайёрлигини кўздан кечирар эканлар, тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, ташкилотларнинг санитария-гигиена ҳолатларини ҳам эътибордан четда қолдирмадилар.

Аниқланган муаммолар ва камчиликлар юзасидан мутасаддиларга вазифалар ва ижроси бўйича муҳлатлар берилди.

Гулнора ТУРСУНОВА.

► *Китоб ярмаркаси*

"Фарзандимга китоб совға қиламан" шиори остида ўтказилган китоб ярмаркаси мактабимиз ўқувчиларию ўқитувчилари учун ҳам фойдали, ҳам завқли бўлди.



ФАРЗАНДИМГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛАМАН

“Академнашр” нашриёти томонидан ташкиллаштирилган мазкур китоб ярмаркасида барча синф ўқувчилари, уларнинг ота-оналари ўзлари ёқтирган бадиий адабиётларни харид қилдилар. Шу куни бир ярим миллион сўмлик харид амалга оширилиши билан бирга мактаб кутубхонасига ҳам саккизта бадиий асар совға қилинди.

Манзура ХОЛМАТОВА,
13-мактаб кутубхоначиси.

► *Маданий ҳордиқ*



ҲАРБИЙЛАР — ТЕАТРДА

Театр – ҳаёт кўзгуси. Унинг тарбияга йўғрилган сабоқлари эса инсон ҳаётида алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институтининг ҳарбий хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида яқинда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида бўлдилар.

Унда ҳарбийлар учун “Замон Авлонийси” номли спектакль намойиш этилди.

Спектакль томошабинларга манзур бўлди.

Насиба УБАЙДУЛЛАЕВА.



ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК!

Мактабимизда ана шу шиор остида давра суҳбати ўтказдик.

► *Таълим*



6-"Б" синф ўқувчилари билан она тили фанидан "Глобал иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон иқлимига таъсири” мавзуси доирасида ташкил этилган мазкур давра суҳбатида барча ўқувчилар қизиқиш билан иштирок этдилар, иқлим ўзгаришининг оқибатлари нималарга олиб келиши, табиатни асраб-авайлаш зарурлиги ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Н.ЎРИНОВА,
44-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

ИНТЕРНЕТДАГИ “ЎРГИМЧАК ТЎРИ”

Бугунги замонни интернетсиз тасаввур қилиш қийин. У орқали билим оламиз, дунё хабарларидан бохабар бўламиз, мулоқот қиламиз. Бироқ, интернет шунчаки восита эмас, балки “ўргимчак тўри”га ўхшайди: унга эҳтиёткорликсиз кирган киши унинг домига илиниб қолиши мумкин.

Интернетда фойдали маълумотлар билан бир қаторда турли сохта ғоялар, ёлғон талқинлар ва экстремистик чақириқлар ҳам кенг тарқалмоқда. Айниқса, диний мавзуларга оид саҳифаларда ҳақиқатга зид бўлган нотўғри “фатво”лар тарқатилади. Тажрибасиз ёшлар нотўғри манбалар таъсирига берилиб қолади,сохта оқимлар ўз сафига ёшларни жалб этишга уринади.

Бу ҳолат билимсизлик туфайли диний муҳитни бузишга, жамиятда низо чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Интернетдаги ҳар қандай маълумотга ишониш хато. Шу боис, ёшлар фақат ишончли диний идоралар ва расмий сайтлар орқали билим олиши,уламолар раҳбарлигида маънавий саводини ошириши,сохта чақириқларга қарши маърифатли иммунитетга эга бўлиши шарт.

Диний муҳитни соғломлаштиришда оила ва мактаб катта роль ўйнайди. Ота-она фарзандини интернетдаги ҳар қандай “дунёқараш тўри”дан ҳимоя қилиш учун уни тўғри йўлга йўналтириши керак. Устозлар эса ёшларга нафақат билим, балки соғлом дунёқараш, ҳақиқий диний қимматларни сингдириши шарт.

Соғлом диний муҳитни таъминлаш учун ҳар биримиз маърифатли бўлишимиз, фақат асосли манбалардан билим олишимиз ва ёт ғояларга қарши онгли иммунитетга эга бўлишимиз шарт. Шундагина интернет биз учун хавфли тузоқ эмас, балки маърифат эшигига айланади.

Ш.УСМОНОВ,
туман ИИБ ТККБ катта тезкор вакили.

ЎЗГАНИНГ МОЛИ БУЮРМАЙДИ

Ўғрилик – ёмон иллат. Аммо унинг кўчасига кириб осон йўл билан мўмай пул топишни ихтиёр этганлар ҳам йўқ эмас.

► *Жиноятга жазо муқаррар*

Бекободлик 1986 йилда туғилган К.Х. ана шундайлар сирасига киради. У жорий йилнинг 18 июль куни Зангиота туманидаги “Havas” супермаркетига кириб, сотувчи Д.И.га тегишли бўлган “Redmi-8” русумли уяли алоқа воситасини савдо растасида қаровсиз ҳолатда турганлигидан фойдаланиб ўғирлаб олиб, воқеа жойидан яширинган. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, олиб борилган тезкор-суриштирув ишлари натижасида К.Х. ушланиб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш жиноятини содир этганликда айбланди.

Жиноятчи қилган ишига жавоб бермоқда.

Х.ЎРИНОВ,
туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими суриштирувчиси.

► *Саломатлик посбони*

ҚЎЛИ ЕНГИЛ ҲАМШИРА



Ҳар бир жамиятнинг тараққиёти, аввало, унинг фуқаролари соғлиғига боғлиқ. Шу боис тиббиёт ходимлари – шифокор ва ҳамширалар фаолияти энг масъулиятли, айни пайтда энг шарафли касблардан бири саналади. Улар инсон ҳаётининг посбонлари, дардга даво, оғриққа малҳам, кўзга қувонч, юракка умид бағишловчи меҳр эгаларидир.

Беморни ўз яқинидек кўриб, унга чин дилдан ёрдам бериш, унинг дардини енгиллатиш учун ҳар бир тиббиёт ходимидан юксак сабр, мустаҳкам ирода ва чексиз меҳр талаб этилади. Бугунги кунда туманимиз соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган ҳамширалар ана шундай инсонпарварлик фазилатларини ўзида мужассам этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Шундай фидоий ҳамширалардан бири – Малиха Бегметова 2003 йилда Тошкент шаҳридаги “Электротехника тиббиёт техникуми”ни муваффақиятли тамомлагандан сўнг, Зангиота тиббиёт бирлашмасининг “Травматология бўлими”да меҳнат фаолиятини бошлаган. Ва мана 21 йилдан буён айни шу ерда сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

– Ишимиз ниҳоятда тезкорлик ва синчковликни талаб этади. Қандайдир сониялар бемор ҳаётини сақлаб қолишда асқотади, – дейди М.Бегметова. – Шунинг учун ҳар бир беморга ўта масъулият билан қараймиз.

Бўлимда шифокор, ҳамшира ва кичик ҳамширалар турли тасодиф туфайли жароҳат олиб мурожаат қилган беморларга туну кун тиббий ёрдам кўсатмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида эса мингдан зиёд бемор бу маскандан шифо топиб оиласи бағрига қайтди.

“Мен ўз касбимни юрагимдан севаман. Беморларнинг меҳр билан миннатдорлик билдиришлари – менинг ҳақиқий бахтим”, – дейди Малиха Бегметова.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳамширалар – ҳаётнинг беқиёс қаҳрамонлари. Уларнинг сабр-тоқати, меҳр-мурувати ва фидойилиги туфайли инсон ҳаёти давом этади, юраклар соғлом уради, ҳаёт эса янада гўзал бўлади.

Умида АБДУҲАКИМОВА

► *“Келажак соати”да*

БОҚИЙ ШАҲАРЛАРИМИЗ



Тумандаги барча таълим-тарбия масканларида ўтказилган келажак соати мавзуси “Боқий шаҳарларимиз” бўлди.

Боқий шаҳар деганда нимани тушуниш керак, у шаҳарларнинг тарихи, илдизи қайси асрларга бориб тақалади, у ерлардаги асори-атиқалар нималардан иборат, сайёҳларни нима учун ўзига ром этади каби саволларга атрофлича жавоблар топилди, ўқувчилар ўзлари кўрган боқий шаҳарларнинг расмини чиздилар, шундай юрт фарзанди эканликлари билан фахрланишларини баралла айтдилар.

Д. ИНАҒАМОВА,
туман МТТБ шўъба мудири.





► *Мутахассислар маслаҳати*

ГЕРБИЦИДЛАРДАН БИЛИБ ФОЙДАЛАНИНГ



Бегона ўтларга қарши агротехник тадбирлар асосида кураш билан бир қаторда гербицидларни ҳам қўллаш қулай, унумли бўлиб, бегона ўтларни қисқа муддатда қириб юборади. Герби – бегона ўт, цид – ўлдираман деган маънони англатади. Гербицидларнинг жуда кўп қисми органик бирикмаларидан ташкил топган бўлиб, улар кучли физиологик активликка эга бўлган ҳолда уларни кам миқдордагиси бегона ўтларга кучли таъсир этади. Гербицидлар ичида анорганик бирикмалардан ташкил топганлари ҳам бўлади. Гербицидлар хоссаларига кўра, ёппасига ва танлаб таъсир этувчи гуруҳларга бўлинади.

Ёппасига таъсир этувчи гербицидлар ёрдамида маданий экинлар экилмайдиган далалардаги барча турдаги бегона ўтларни йўқотишда ишлатилади, айниқса катта йўл ва темир йўл чеккаларидаги, каналлар, ариқ ва зовурларнинг қирғоқларидаги, электр тармоқлари ва спорт майдонларидаги бегона ўтларни йўқотишда ишлатилади.

Танлаб таъсир қилувчи (селектив) гербицидлар бегона ўтларнигина ўлдиришга мослашган бўлади ва экинларга ҳеч қандай зарар етказмайди. Селектив гербицидлар экинзорлардаги бегона ўтларга қарши ишлатилади.

Илдиз тизими жуда чуқур кирадиган ўсимликлар ҳам гербицидлар таъсирига чидамли бўлади. Чунки уларнинг илдиз тизими асосан тупроқ қатламининг чуқур қисмида жойлашган.

Гербицидларни тўғри танлай билиш, уларни қўллаш муддатини ва усулини аниқлаш, шунингдек, уларни ва ишчи суюқликларининг сарфланиш меъёрларини белгилаш бегона ўтларга қарши кимёвий курашнинг асосий омилидир.

Асаджон ҚАРШИБОЕВ,
Баҳодир БАРАТОВ,
Тошкент вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси «Назарбек» ТИФ маскани инспекторлари.

КАРТОШКА КУЯСИ – ҲОСИЛ КУШАНДАСИ





Картошканинг энг хавфли зараркунандаси – картошка куяси ҳисобланади. У картошкадан ташқари помидор, бақлажон, ёввойи итузум, тамаки ва бошқа итузумдошлар оиласига кирувчи ўсимликларни ҳам зарарлайди. Картошка куясининг ватани Жанубий ва Марказий Америка ҳисобланиб, юртимизда биринчи марта 2009 йилда Хоразм вилояти Шовот туманида аниқланган. Ҳозирда бу зараркунанда республикамизнинг барча ҳудудларига тарқалиб, картошкачиликка катта хавф туғдирмоқда. Зараркунанда 22-26 даража ҳароратда ва 70-80 фоиз нисбий намликда яхши ривожланади. Етук қуртлик ёки ғумбаклик ҳолида қишлайди.

Зараркунанда капалаклари бир-икки дона уруғни картошка баргларига, очилиб қолган туганакларига, агар тупроқ билан картошка кўмилган бўлса, тупроққа ҳам қўяди.

Тухумдан чиққан қуртлар картошка баргининг, туганакнинг ичига кириб олиб озиқланади. Улар битта картошкада 15 тагача бўлади. Айниқса, эртаки картошка ўрнига такрорий картошка экилса, ўсимлик кучли зарарланиши мумкин.

Картошка куяси ҳосилни омборхоналарда сақлаш жараёнида ҳам тўхтовсиз ривожланиб, тухум қўяди. Шу боис бундай омборхоналар унинг асосий тарқалиш ўчоқларидан бири ҳисобланади. Омборхонада сақланаётган картошка 25-80, баъзан 100 фоизгача зарарланиши кузатилган. Картошкани омборларда паст ҳарорат (3-5°)да сақлаш зарур. Шунда картошка куяси ривожланишдан тўхтайди ва нобуд бўлади. Картошка куяси, колорода қўнғизи ва бошқа зараркунандаларга қарши курашишда 20 фоизли Кореген, 15 фоизли Замектин гектарига 0,12-0,15 литр, 40 фоизли БИ-58 (янги) гектарига 1,5-2,0 литр, 30 фоизли Импалла гектарига 0,15 литр, 10 фоизли Корал гектарига 0,2-0,4 литр миқдорида ишлатилади. Ушбу инсектицидлардан бирини ўз вақтида қўллаш юқори самара беради.

Э.ЮСУПХОДЖАЕВ,
С.ИШОНХАДЖАЕВ,
Ш.ХАРИМОВ,
Ш.ИБРАГИМОВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси Навоий УКЧМ инспекторлари.

Озодбек ... (хонанда)
Маҳкамлаш детали
Мутлоқ оғир ...ли боксчи
Ёқимтой чеҳра
Дори сотувчи киши
Дорбоз
Ўғил бола ғурури
Хушҳаво, дилкаш, дилхуш
Билим булоғи
Йирик қон томири
Масхара
Шеърият
Маданият ва ... боғи
"Тирноқ ...сидан кир қидирма"
"...си тиллодан уй сеники, ёр-ёр"
Арава тузатувчи уста
"... ва Зара" (фильм)
Ўлат касаллиги
"... бор, саноғи йўқ"
"...сини хом ўриб-манми?"
...-Замахшарий
"Айбини ... олмади"
Кўрпа-боп мато
Аренда (ўзбекча)
Беҳуда, фойдасиз
"Қиш ...си" (Корея)
Қурол-яроғ омбори
...-упа
Самолёт русуми
"Оч коринга танбур ... ҳожат"
Ёқиладиган ёғоч
Ўзаро келишув, аҳднома
Қарилик аломати
"Ал-... ал-муфрад" (асар)
Вулқон (Япония)
... Шателье (кимёгар)
Калтак зарбидан кўкариш ҳолати
Ёввойи ўт
Ном-нишонсиз
Кичик командир унвони
Мусулмонлар қавми
...-Манш бўғози
"... ва турмуш" (журнал)
Алоқаси бор, боғлиқ
Босма ҳарфли қолип
"...-медиа" (студия)
Уқубатли, аламли
Абадул-..., мангу
Ибн Сино туғилган қишлоқ
Қадимий Византия
"Ранги ...дек оқарди"
Келинчак либоси
Тасвирга олиш асбоби
Сар-гардон
Суваш асбоби
"Бироқ"нинг синоними
Дарё (Франция)
Токни узиш-улаш қурилмаси
"... қорним - тинч қулоғим"
Силлиқ бўз
Малака ошириш машғулоти
Жазм, қарор
Европа "чой"и
Ўлкамиздаги денгиз
Тақа қоқувчи одам



Қодирийга таҳсин айтишга бурчлимиз

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Тил устида махтарлиқ, тақдир этарлик иш кўрсаткан". Танқидчи романнинг жозибали тасвирий эпизодларига диққат қаратиб, муаллиф халқ жонли тили ва оғзаки ижод намуналаридан ўринли фойдаланганига урғу беради.

Орадан бир аср ўтган бўлса-да, бугун ҳам Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабий тили тараққиётига қўшган беқиёс хизматларини чин юракдан эътироф этиш ва адибнинг маҳоратига таҳсин айтишга бурчлимиз.

Қодирий икки аср ва икки турли тузум чегарасида яшади. Шу боис, унинг асарлари тилида мумтоз наср билан янги ўзбек адабий тилининг уйғунлиги аниқ кузатилади. Энг муҳими, бу поэтик тил Абдулла Қодирий асарларига, хусусан, мозийдан сўз очган романлари моҳиятига жуда мос келади.

Абдулла Қодирий асарлари унинг беназир поэтик тафаккуридан дарак беради. Бадиий тафаккур эса нутқ ҳодисаси билан боғлиқ, албатта. Ҳар бир миллат адиби ўз миллий тилида фикр юритади, шу миллий тилнинг луғат бойлигига таянади. Эътибор берилса, Абдулла Қодирий ўзининг айрим қаҳрамонлари, дейлик, "Меҳробдан чаён"даги Худоёрхон образига ҳам айнан тилга эътибор масаласида миллий туйғуларни сингдиради:

"Худоёр муҳр босиш асноси ёзилган ёрлиғ ва номаларни ўқутиб эшитар, муншиларнинг эшитилмаган араб ва форс сўзлари орқалиқ тўқуған ярим туркий жумлаларига аксар вақт тушунмас: "Эналарингғ арапқа текканма?" деб мирзо, муфтиларни койир эди. Аммо Анварнинг ёзған ҳар бир жумласини мусиқий каби роҳатланиб, тушуниб тинглар ва "шу бала бариларингғдан ҳам ўқуғанрақ чиқар!" деб, бошқа мирзоларнинг юрагига ўт ёқар эди".

Худоёрхоннинг "туркий жумлалар"га алоҳида қарагани, Анварнинг иншосини мақтагани – муҳим гап.

Яна бир зарур гап шуки, адиб айни эпизоддаги Худоёрхон нутқига худди тилшунос каби шундай изоҳ ёзади: "Худоёр қипчоқлар ичида ўскани учун тили ўзбекчадир. Эналарингғ сўзидаги "нг" ҳарфини "нғ" равишида қалин сўзлайдир. Бу кунги фарғона ўзбекларида ҳам (айниқса қишлоқиларда) юмшоқ "нг" ўрнида қалин "нғ" ишлатиш кўб эшитиладир. Ҳозирги ислоҳ қилинған ҳарфимизда бу қалин "нг"-нинг махсус шакли йўқдир. Ёзғанда (н-ғ) ҳарфларидан бир товуш ясалса ҳам, бироқ ўқуғанда ҳар ким буни ўз махражидан чиқаролмас, янглиш ўқур. Бу қалин "нг" ўзбекча бир неча сўздагина ишлатилмай кўб (эллилб) сўзда истеъмол қилинғани учун манимча алоҳида бир шакл қабул қилиш эҳтиёжи ҳис этиладир. Масалан машҳурлари: занғ, панғ, ланғ, даранғ, қаланғи-қасанғи, данғ, тўнғуз, шанғи, тўнғилламоқ, тўнғ, тўнғуч ва анғиз, тинғ бошқалар... Эски "нинг" "нг" равишида ислоҳ қилинган. Бу йўғон "нғ" ҳам "ғ" ҳарфининг устига уч нуқта қўюлиб ёзилсамикин..."

Ва яна бир эслатма: буюк адибимиз "алоҳида бир шакл қабул қилиш эҳтиёжи ҳис этиладир", дея қайд этган бу товушнинг махражига мос белги – имлоси ҳали шу кунга довур ўнгланган эмас.

Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонларини тасвирлашда эсда қоларли сўз ва бирикмалардан фойдаланади. Масалан, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно тасвирларида сўзларни маржондек ипга тизади. Айни пайтда, адибнинг "нафрати"га дучор бўлган Абдураҳмон домла ёки Жаннат опа қиёфалари ҳам ўқувчининг эсида қолади: "Ул (Жаннат назарда тутилади – Б.К.) ердан бичиб олғандек пак-пакана, бурни юзи билан баробар деярлик теп-текис, кўзи қоққан қозиқ ўрнидек чуп-чуқур, оғзи қулоғи билан қошиқ солишар даражада жуда катта, юзи қирқ йиллик оғриқларникидек сап-сариқ, қирқ беш ёшлар чамасида бир хотин эди.

Кумушбиби ўзига томон келгучи бу даҳшатлик хотинни умрида биринчи мартаба кўрар эди. "Нима қилиб юрибти бу оч арвоҳ!" деб ўйлади. Хотин ўн адимлаб узоқдан юзига совуқ ва тушда қўрқарлиқ бир кулги туси берди. Димоғи билан "қих" этиб қўйди..."

Асарда бу образнинг қиёфаси "пак-пакана, теп-текис, чуп-чуқур, сап-сариқ" каби маъноси орттирилган сифатлар, шунингдек, "қ" товуши қатнашган қатор сўзлар билан тасвирланар экан, устига-устак, ўша биргина "Димоғи билан "қих" этиб" қўйишидан ҳам хотиннинг ички ваҳшонияти ва нияти бузуқлиги англашилади.

(Давоми бор.)

Баҳодир КАРИМ.

АБДУВАЛИ ОТАНИНГ КУТУБХОНАСИ

Аввалига кимдир бу ишдан ҳайрон бўлди, кимгадир эриш туюлди. Бироқ, эзгу ишнинг қаноти бор деганларидек, тез орада китоб мухлислари кўпайди. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган маҳалла аҳли ҳозирда "кутубхонача" аъзоси.

Кутубхона фаолияти билан танишиш мақсадида Абдували акани бироз кутишга тўғри келди. Муддаомизни билган ён-атрофдагилар: "Дода ҳозир 11 дан кейин келадилар", – дейишди ва отахонни камтарин, тўғрисўз, ҳалол инсон дея яхши сифатларини айтиб, мақтаб кетишди. Отахон ҳам кўп куттирмай келдилар. Қўлларида бир кучоқ китоб. Шоша-пиша кутубхоначани очиб, олиб келган китобларини жавонларга жойлаб қўйдилар. Худди шуни кутиб тургандай болалар бирин-сирин китоб олишга кела бошладилар. Абдували ака уларга китоб топишга ёрдамлашар, бизга эса кутубхоначани нима мақсадда, қандай қилиб ташкил этганларини тўлқинланиб сўзлайдилар.

– Ўзим қурувчи бўлганман, – дейди ёши аллақачон етмишнинг остонасидан ўтган, лекин чаққон, чайир, ҳамон иши кўплигидан югуриб, ҳаммасига улгуриб юрадиган Абдували ака, – тақдир тақозоси билан умримнинг йигирма йилини мусофирликда ўтказганман. Лекин ўзга юртларда жуда кўп сабоқлар – ҳаёт сабоқларини олганман. Қаерга борсам, ўша ернинг тарихи, маданияти билан қизиқдим, одамларини ўргандим, кўп китоб ўқидим ва энг кераклиги ҳалол меҳнат қилдим. Россияда бир фирмада агрономлик қилганман. Раҳбарларим мени роса синаган экан, уларни бирор марта алдамаганим, ҳалол ишлаганим учун қайтаётганимда "Волга" машинасини совға қилишган. Киевда бир хонадонда яшаганимда каттаю кичикка биринчи бўлиб салом беришимни кўриб уй эгаси: "Сендан одобни ўрганишимиз керак экан", – деб ҳурматимни жойига қўйиб, истиқомат қилишим учун уйининг тўрини бўшатиб берган... Ҳа, ҳалолликда, кўп китоб ўқиб билимли бўлишда ҳикмат кўп экан, ўзга юртда оғир юк кўтармадим, билимим, меҳнатим билан "оғир пул" кўтариб келдим, шукр...

Абдували ака ана шундай оддий инсон, китобни севадиган, илмнинг қадрига етадиган инсон. Телевизор орқали ўзга юртларда одамлар гавжум ерларда мана шундай кутубхоначалар барпо этилганини кўриб юрагининг туб-тубида ўзимизда ҳам шундай мўъжаз кутубхона ташкил этиш истаги пайдо бўлди. Унинг бу фикрини дўстлари қўллаб-қувватлашди. Ўзи уйида темирдан бутка ясаб, уни бўяб, маҳалланинг энг гавжум ерига олиб келиб ўрнаттирди. Натижа эса ниҳоятда қувонарли.

– Ҳар куни китоб олишга келаман, - дейди ўзини 1-мактабнинг 3-"В" синф ўқувчиси Муҳаммадали, деб таништирган болакай, – ўртоқларим ҳам келишади...

– Мен Абдуллоҳман, 6-синфда ўқийман, "Яримта нўхот" китобини олдим...

– Телефонинглар борми? – дея юзланаман уларга.

– Йўқ, дода рухсат бермайдилар...


Суҳбатимизни эшитиб турган Абдували ака уларнинг гапини тасдиқлайди.

Китобларни кўздан кечираман: Уларнинг аксариятининг ёнига "омонат" дея ёзиб қўйилган. Демак, китобхонга олган китобининг омонатлиги, ўқиб бўлиб қайтариб олиб келиши шартлиги уқтирилаяпти, бу ҳам тарбиянинг бир кўриниши. Китоблар орасида – блокнот . Унга "заказ"лар ёзилар ва Абдували ака сўраган инсонга керакли китобларни нашриётлардан топиб олиб келиб берар экан.

Китоб шайдоси билан суҳбатимиз қизғин, мазмунли бўлди. Рафиқаси Гулнора опа билан икки ўғил, икки қизни вояга етказиб, уйлаб-жойлаб, 14 набира, бир эвараниг буваси бўлган, қалбида маърифат, зиё улашишдек эзгу ният жо бўлган ва бу ният йўлида хормай-толмай сидқидилдан меҳнат қилаб, меҳнатидан завқ олаётган Абдували акани чин инсон дея таърифладик. Ва улар каби маънавият-маърифат уруғини сочаётганлар сафи янада кенгайишини ният қилдик.

Дарвоқе, шу кунларда Абдували аканинг яна бир "кутубхоначалари" "Тарнов" маҳалласи гузарида очилади.

Дилбар ШАРИПОВА.



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ISTIQBOL
2025-yil 17-oktyabr / Juma / № 41 (6193)

► *Танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди*

Зулфия издошлари



Ҳар йили аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, маданият, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун иқтидорли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиб келинмоқда. Айни кунларда туманларда танловнинг ҳудудий босқичи бўлиб ўтмоқда.

Туманимизда ҳам Давлат мукофоти танловининг туман босқичи ўтказилди. Танловда туман ҳокими ўринбосари, туман Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саодат Усмонова сўзга чиқиб, мазкур танлов истеъдодли қизларни танлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, ижодкор, санъатсевар, олима, оқила, шоира, спортчи қизлар сафини янада кенгайиб боришида муҳим ўрин тутаётганига тўхталди, қизларга омад тилади.

Маълумки, Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун еттита йўналишда ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Шу куни ҳам тадбирга айнан шу ёшлардаги қизлар келишиб, ўзларининг бор маҳоратлари ишга солишди. Тадбир давомида иштирокчиларнинг ижодий ишлари, сиёсий-ижтимоий билимлари, урф-одатлар, миллий қадриятларни билиши, кўрик-танловлардаги иштироки, истеъдодини бир неча йўналишларда кўрсата олганлигини ўрганиш учун шу йўналишларга масъул бўлган танлов комиссияси аъзолари уларни ҳолис ва ҳаққоний баҳолаб боришди.

Бу йилги танловнинг туман босқичида 22 нафар иқтидорли қиз иштирок этиб, фан, таълим, спорт, санъат йўналишлари бўйича энг муносиб деб топилган қизлар танловнинг вилоят босқичига тавсия этилди.

Танловда фаол иштирок этган қизларга туман ҳокимининг ташаккурномаси ва совғалари топширилди.

Жамила АРСЛОНОВА.

Она тилим



Она тилим, жонажон тилим,
Сен борсанки, кўнглим чоғ, тилим.
Онам сути бирла жо бўлган,
Сен туфайли умрим боғ, тилим.

Жаҳоннинг шоҳ минбарларида
Жарангласин номинг баралла.
Гўдаклар ҳам ором олажак,
Сенинг билан эшитиб алла.

Эркинг учун кимлар жон берди,
Умрин нисор айлади кимлар?!
Сен янграсанг, эй она тилим,
Аждодларим руҳи шод бўлар.

Умида АБДУҲАКИМОВА.

► *Спорт*

КУЗ ШАМОЛИ

Тумандаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 7-"А" синф ўқувчиси Мўмина Баходирова Республика миқёсида "Куз шамоли" шиори остида ўтказилган спортнинг бадиий гимнастика йўналиши бўйича очиқ турнирда фаол иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритди Ғолиба диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



► *Сиз нима дейсиз?*

МУҚАДДАС КАЛОМ
(Гар саломинг бўлмаса...)



Ҳар ишнинг боши “Ассалому алайкум” ва “Бисмиллахир рохманир роҳийм”дир. Ҳадисларда айтилишича, “Салом” Тангрининг ердаги исмларидан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мўмин киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга барибир, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни фаришталар алик олишади.

Дарвоқе, салом меҳрли бир нарса. Унинг меҳри шу даражада зўрки, афсоналарда айтишича, ялмоғиз кампирга дуч келган бир киши нима қиларини билмай, шошиб: “Ассалому алайкум!” деган экан. Шунда ялмоғиз: “Менга ҳам салом берадиган бор экан-да” деб ўйлаб, “ Гар саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим”,-деган экан.

Азиз, ўқувчи, демак салом ҳар қандай одамни, ҳатто ёвузнинг ҳам дилини юмшатар экан.

Таъкидлаш ва такрорлаш ўринлики, “Ассалому алайкум” сўзининг асл маъноси – салом берувчининг алик олувчига сиҳат-саломатлик тиламоқликдир. Бунга жавоб бермаслик ўзи учун тиланган энг олий дуодан воз кечмоқликдир. Қабул қилинмаган бу муқаддас калом ҳеч қачон фазо уммонида йўқ бўлиб кетмайди. У лафз эгасига қайтиб, янада катта савоб ва сиҳат- саломатлик келтиради.

Инсоннинг кўнгли гулдай нозик. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, орамизда кўнгилни вайрон қиладиганлар ҳам учрайди. Ҳаётдан бир мисол келтирай. Бир танишим бор. Мансаб пиллапояларидан кўтарилиб, раҳбар бўлди-ю, атрофидаги оддий одамларни менсимай қўйди. Қўл учида кўришадиган, саломга алик олмайдиган, зўр келса бошини қимирлатиб қўядиган одат чиқарди. Буни ичимга сиғдира олмай бир акахонимга ёрилганимда, у елкамга қоқиб: “Такаббурга салом берма, унга алик олиш малол келади, сенинг кўнглинг бузилади”, – дея тасалли берди.

Табароний (р.а) дейди: “Одамларнинг энг ожизи – дуога ожизлик қилган одам. Одамларнинг энг бахили салом беришга бахиллик қилган одамдир”.

Саломлашиб юрганга нима етсин. Кўча-кўйда сизга қўлини кўксига қўйиб, салом берган одамга ҳамду санолар айтасиз. Ёши кичикларнинг саломи янада ёқимли. Одобли болалар ўзларининг яхши хулқлари билан нафақат ота-оналарига балки ўқитувчиларига раҳмат ёғдирадилар. Табиийки, ўз навбатида нуроний отахон ва онахонларнинг дуоларига мушарраф бўладилар.

Бола бошидан, ўғлон ёшидан, дейдилар. Ота-оналар қолаверса, устозларнинг, насиҳатгўй нуронийларнинг кўнглига қарши бормоқчи эмасман. Лекин айтмоқликни ҳам қарз, ҳам фарз ҳисоблайман. Мактаб ўқувчиларининг аксарияти ёши улуғларни кўрганларида бепарво бўлмоқдалар. Ёки телефонлари билан машғул бўлиб ўтиб кетадилар. Ишонинг, бу ҳолат кекса кўнгилларга оғир ботади…

Бир куни ҳалифа Маъмун одоб билан сўзлаётган бир боладан: “Кимнинг ўғлисан?” деб сўради. Бола: “Одобнинг ўғлиман”, деб жавоб берди. Бу жавобни эшитган Маъмун: “Қандай чиройли отанг бор экан-а”, – дея унга таҳсин ўқиди.

Яна донолар айтадиларки, одоб – улуғлик ва юксаклик қасрининг нарвонидир. Латифлик сирларининг ҳақиқатини англовчилар ва ҳар қандай рамз маъносини тадқиқ қилувчилар айтадиларки, одамийлик рисоласининг дарсларини ўқишга азм қилиб, бахтиёрлик кўчасига қадам қўюувчи ҳар бир инсонга, аввало, шарму одоб қоидасини ёд қилмоқ шартдир.

Сўзимизни ғазал мулкини султони Алишер Навоийнинг қуйидаги мисралари билан якунлаймиз: "Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у бу барокатдин умрбод баҳраманд бўлади".

Муроджон БОТИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Jamila ARSLONOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-1014.

ISSN 2181-61820